

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг табиий бойлиги бўлган хон атласнинг тарихи, мато турлари тўғрисида, шунингдек санъат тўғрисида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: санъат, мато, тўқувчи, шойи, гавҳар, ип, бўяш жараёни.



Хон-атлас-Ўзбекистон гавҳари. Бу гўзал матода ўзбек халқининг руҳияти ва анъаналари намоён бўлган. Хон шойиси ўзининг бетакрор ёрқин ранглар палитраси, силлиқ таркиби, сахийлик тимсоли, беқиёс ҳайрат ва туганмас қувватига эга. Ҳозиргача бу матонинг келиб чиқиш тарихи ҳақида кўплаб афсоналар келтирилган. Қадимги тарихий битикларда Марғилон шахрининг хони ва камбағал тўқувчи ҳақида шундай афсона ёзилган:

“Марғилонлик хунарманд тўқувчининг ёш ва гўзал қизи бор экан, хон уни севиб қолган ва ҳарамини яна бир чиройли қиз билан тўлдирмоқчи бўлиб, бешинчи хотин сифатида шу қизга уйланмоқчи бўлибди. Қизнинг отаси хоннинг бу ниятидан хабар топибди ва бечора ота хонга бу шартидан воз кечишини, жуда ёш бўлган қизининг ўрнига, унинг гўзаллигидан кам бўлмаган, гўзал нарса, ҳадя қилишини айтиб, ялиниб-ёлворибди. Хон зўрға рози бўлибди. Қария эртасига албатта ваъда қилган нарсасини келтиришини айтиб, саройни тарк этибди. Тўқувчи қария қизини бу нохуш тўйдан қандай қутқаришни, эртасига хонни нима билан ҳайрон қолдиришни билмасдан, ўйлаб чуқур қайғуга ботибди. Кечаси билан мижжа қоқмасдан, қарийб бутун умидини узиб, тонг саҳарда ариқ бўйига бориб ғам чекканича ўтирган экан, кувеш кўкка кўтарила бошлабди. Қария чуқур ўйга ботиб, ариқдаги сувга қараб турганида, қуш нури таралиб сувда мовий осмон, булутларнинг турли рангларда жилваланишини, дарахтларнинг нафис яшиллигининг уйғунлашган ажойиб гўзал тасвирини кўрибди. Шунда тўқувчи уста дарҳол уйига қайтиб, устахонасига тўқув дастгоҳи қошига ўтириб, сувда кўрган манзараси таъсирида, осмондаги камалак каби ёрқин ранглар билан бойитилган, шабададек майин тароватли, енгил ва майин, жуда нафис бир мато тўқиб саройга шошилибди. Хон яратилган бу мўъжизани кўриб жудаям лол бўлиб қолибди ва айтган ваъдасининг устидан чиқиб, тўйни қолдирибди. Шунинг учун бу гўзалликда тенги йўқ бебаҳо мато, яъни хонни ҳайратда қолдирганлиги ва **“хон учун яратилган”**лиги учун **“Хон-атлас”** дея ном олган экан.

Марғилон усталарининг бу ноёб кашфиёти ўзининг беқиёс тараннуми, матодаги нақшларнинг бетакрорлиги билан бошқа матолардан, доим алоҳида ажралиб туради. Азалдан, жуда мураккаб, қийин тўқилиши ва тайёрланиши сабабли, камалакдек ипак мато жуда қиммат баҳоланган. Ундан ҳаттоки савдо сотиқда ҳам фойдаланиб, пулнинг ўрнига алмаштирилган ёки пул бирлиги

¹Наимова Дилбар Нўмоновна, старший преподаватель кафедры «Технологии и оборудования легкой промышленности», Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

²Наимов Бехруз Изатуллоевич, студент, Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

ўрнига ва пул қийматида оилавий мерос қилиб қолдирилган ва совға қилинган. Ипак тўқиш тарихи жуда узоқ асрларда бориб тақалган бўлиб, даставвал ипакчилик маркази Бухоро шаҳри бўлган ва вақти келиб бу ҳунар Марғилонгача етиб бориб, Фарғона водийсини ипакчилик матолари билан дунёга танитиб, машҳур қилган ҳунар ҳисобланади. Бу жозибали, гўзал матони Буюк Ипак йўли орқали Миср, Боғдод, Қашқар ва Грециягача юборилган.

Хон-атласнинг қўлда тўқилиши жараёни беқиёс машаққат билан жуда кўп меҳнатни талаб қилади. Дастлаб тут пилласидан жуда нозик иплар йигирилади. Ипларни ҳар хил рангларга бўялади. Бўяш учун рангларни фақат табиий ўсимликлардан олинади. Масалан кўк рангни олиш учун индигодан, қизилни маренадан, сариқ рангни олиш учун испаракдан фойдаланишган. Табиий бўёқлар ипларга тўқлик ва уйғунлик бағишлаган. Илгари хон атлас жуда қиммат бўлиб, уни сотиб олишга ҳар қандай кишининг имкони бўлмаган, фақат ўзига тўқ бой кишилар сотиб ола билганлар, аммо вақт ўтиши билан яна атлас янада харидоргир бўлиб ва қарийб барча орзу қилган қиз бола сепига бир кийимлик хон-атлас ола биладиган замонлар бўлган. Кейинги вақтда аввал қўл меҳнати билан яратилаётган хон-атласни тўқув фабрикаларида, тўқилган матога ранг бериб тайёрла бошланди. Маълум вақтга келиб, хон-атлас аста-секин ўзининг машҳурлигини йўқота бошлади ва қизлар анъанага кўра хон-атласдан тикилган миллий кийимларни киймай қўйдилар. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган даврга келиб, ўзбекона урф-одатлар, анъаналар, миллий кийимлар ва матолар яна тиклана бошлади ва бу гўзал матога замонанинг энг машҳур модельер - дизайнерлари янги умр бағишлаб, ундан чиройли ягона моделлар коллекцияларини тайёрлай бошладилар. Машҳур дизайнерлар томонидан Хон-атласдан яратилган коллекциялар бутун дунё подиумларида намойиш этилиб, ўзининг буюк жозибаси ва бетакрор гўзаллиги билан оламни лол қолдирди. Шукрим, бир пайтлари хонни ҳайратга солган бу беқиёс гўзал санъат асарини ўз мавқеини қайта тиклади. Унинг гўзаллиги олдида бутун оламнинг матолари ожиз бўлиб қолди.





Ўзбек қизларининг тўй маросимлари учун тайёрлайдиган кийимлари дунё аҳлини лол қолдириши табиий. Бугунги кунда бу либослар, барчани мафтун этяпти.Ўзбек қизларининг энг гўзал либослари, ўзбек моҳир тўқувчиларининг юксак маҳорати ва диди орқали дунёга келаётган хонатлас ва адраслардан тикиляпти.Д унёнинг қайси бурчагида бўлманг, қанақанги об-ҳаво бўлмасин атлас ва адрас нақшларига кўзингиз тушса, дилингиз яшнаб кетади.Кайфиятингиз чоғ бўлади, у сизни ўзига мафтун қилади.Хўш нега? Ким бўлмасин, қайси миллат бўлмасин атлас ёки адрас матолари ёнидан бефарқ ўтиб кета олмайди. Бунда бир ҳикмат бордек.Бу мўъжиза мато эркаку , аёлни бирдай безатади, уни кийганни гўзал қилиб юборади. Умринг узоқ бўлсин деймиз, гўзал ва бетакрор миллий ифтихоримиз бўлган хон-атлас.

© Д.Н. Наимова, Б.И. Наимов, 2019.